

Малака ошириш тизимида ахборот-коммуникация технологиялари воситасидаги мустақил таълим моделининг самарадорлиги қуйидаги педагогик шартларнинг бажарилиши билан таъминланиши лозим:

–малака ошириш тизимининг ахборот-коммуникация мухитини ривожлантириш;

–малака ошириш тизимида педагогларнинг мустақил таълими жараёнини ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан ривожлантиришга йўналтириш;

–малака ошириш тизимида педагогларнинг мустақил таълими жараёнини доимий педагогик қўллаб қувватлашни амалга ошириш.

Ахборот-коммуникация технологиялари таълимий имкониятларининг тахлили шундай ҳулосага келиш имконини берди: малака ошириш тизимида АКТнинг педагогларнинг мустақил таълими воситаси сифатида қўлланилиши педагогларнинг мустақил таълимини маълум даражада фаоллаштиради.

Малака оширишнинг ахборот-коммуникация мухити – бу малака ошириш жараёнининг барча иштирокчилари томонидан АКТ воситаларидан фойдаланишни таъминлайдиган технологик, кадрлар ва ташкилий ресурслар мажмуасидир.

Шахсий-фаолиятли ёндашувга асосланиб қурилган педагогларнинг АКТ воситалари орқали ўз-ўзини ўқитишнинг моделига қуйидаги элементлар: педагогнинг ўзи, унинг мустақил таълим фаолияти ва малака ошириш тизими киритилган.

Ахборот-коммуникация мухитининг модели қуйидагиларга имкон яратади:

–педагогнинг мустақил таълими даражаларини (репродуктив-эвристик-ижодий) малака ошириш тизимини педагогик қўллаб-қувватлаш ва педагогнинг АКТ-тайёргарлиги даражалари билан қиёслаш;

–педагогнинг таълим натижаси томон ҳаракатининг йўналишини мустақил таълимнинг муайян даражасида, касбий-шахсий ривожланиш йўналишига мос равишда босқичлар оралигида кузатиб бориш.

Бундан ташқари АКТни мустақил таълим воситаси сифатида педагогнинг АКТ-компетентлигини ошириш билан биргаликда қўллаш бир мустақил таълим даражасидан иккинчисига ўтишга имкон яратади, чунки у мустақил таълимни фаоллаштиришнинг объектив ва субъектив факторларининг ўзгаришига имкон беради ва унинг барча компонентларига таъсир қилади.

Таълим мухитини ахборотлаштириш, уни АКТ билан тўлдириш қуйидаги йўналишларда юз бериши лозим:

–технологик жиҳозли, дастурий ва таълимий ресурслар билан таъминлаш;

–кадрлар таълим жараёни иштирокчиларининг АКТ компетентлиги, бунда педагогларнинг АКТ воситаларини таълим жараёнида қўллашга қобилиятлиги ва тайёрлиги тушунилади;

Ташкилий АКТ воситаларининг таълим жараёнига қўллаш имкониятларининг таъминланганлиги бўйича мақсадга йўналтирилган ташкилий ишларни амалга ошириш. Малака ошириш тизимида ташкил этилган АКТ компетентликнинг кейинги даврдаги ривожланиши мустақил таълимнинг фаоллашувига кузатилиши мумкин. Бу ҳолат мустақил таълим олаётган педагоглар учун таълимнинг ахборот-коммуникация мухитини кенгайтиради ҳамда бир таълим даражасидан иккинчи, янада юқорирак даражага ўтиш имконини беради.

Иккинчи педагогик шарт - малака ошириш тизимида таълим жараёнини педагогларнинг АКТ воситалари орқали мустақил таълим фаолиятини ривожлантиришга йўналтиришдир.

Бу ҳолда ривожланиш деб, бир томондан мустақил таълимни малака ошириш амалиётига киритилган, узлуксизлик характери берилган таълим фаолиятининг дастури устида фаол иш олиб боришга ундашни кўзда тулади.

Иккинчи томондан, педагогларнинг мустақил таълим фаолиятининг ривожланиши унинг фаоллашувини, бошқача қилиб айтганда, педагогнинг индивидуал мустақил таълим дастури устида фаол иш олиб боришга ундашни кўзда тулади.

Педагогларнинг мустақил таълим жараёнини фаоллаштиришга ва уларнинг касбий-шахсий ривожланишига йўналтирилган АКТдан фойдаланиладиган таълим технологияларини қўллаш, курслар тингловчиларнинг битирув ишларини тайёрлаш жараёнида ҳам, махсус таълим тадбирлари (семинарлар, мастер-синфлар ва б.ш.к.) ташкил этилганда ҳам амалга оширилиши мумкин. Махсус таълим дастурлари педагоглар томонидан электрон таълим ресурслари ва улар ёрдамида лойиҳалаштирилган ўқув машғулотларини яратишга йўналтирилган.

Бундан ташқари мустақил таълим стихияли жараён сифатида, баъзан самарасиз бўлади, чунки педагогларнинг мустақил таълим мақсадларига эришишига имкон берадиган, улар томонидан турли ҳолатларда энг мақбул қарорлар қабул қилиш учун шароитлар яратишни таъминлайдиган тадбирларни амалга ошириш талаб қилинади.

Адабиётлар

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2003. 174-б.
2. Абдыллаева Г.О. Развитие дистанционного обучения в национальном вузе. Автореф. дисс... канд. пед. наук. -М.: 2009.
3. Абрамов Ю.Ф. Формирование общенаучного характера понятия информации (логико-гносеологический аспект): Дис... канд. филос. наук. -М.: 1979. – С.166.
4. Абдеев Р.Ф. Философия информационной цивилизации. -М.: «Владос», 1994. –С. 336.

РЕЗЮМЕ

Мақола масофадан ўқитиш таълим дастурларини амалга ошириш, таълим олувчиларнинг мустақил таълим фаолиятини ташкил этиш масалаларига бағишланган. Шунингдек, муаллиф педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида масофавий таълимдан фойдаланиш бўйича ўз тавсияларини бериб ўтган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается применению образовательных технологий с использованием ИКТ, активизирующих самообразовательную деятельность педагогов и направленных на развитие его профессионально-личностного развития. Автор предлагает ряд рекомендаций по дистанционному обучению в образовательных учреждениях.

SUMMARY

The article is devoted to the application of educational technology using ICT, activating self-educational activity of teachers and aimed at the development of professional and personal development. The author also proposes a number of recommendations on distance education in educational institutions.

ЯНГИ АВЛОД ФАН ДАСТУРИ ВА АДАБИЁТЛАРИНИ ЯРАТИШДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИХАЛАБ ЎҚИТИШНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

К.Р.Мамадалиев – *катта ўқитувчи*

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти

М.Д.Хошимходжаева – *катта ўқитувчи*

Тошкент ахборот технологиялари университети

Таянч сўзлар: янги очилган таълим йўналишлари, янги авлод фан дастури, янги авлод ўқув адабиётлари, рақаботбардош кадрлар, таълим сифати, таълим самарадорлигини, ўқув машғулотларни лойиҳалаш, лойиҳалаш.

Ключевые слова: новые образовательные направления, новое поколение программ, новое поколение учебной литературы, конкурентоспособность кадров, качество образования, эффективность образования, проектирование учебного занятия, проектирование.

Key words: new educational trends, a new generation of programs, a new generation of textbooks, the competitive ability of personnel, quality of education, efficiency of education, designing training sessions, designing.

XXI аср бошларида барча ривожланган мамлакатларнинг илмий сиёсати фаннинг ўз потенциалини мустаҳкамлаш

билан бир қаторда, унинг ютуқларини самарали амалга оширишни таъмин этадиган жараёнларга ҳам қаратилмоқда.

Жумладан, инновацияларни яратиш ва тарқатишнинг, пухта ишлаб чиқилган механизми жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий қуролига айланмоқда. Жамият ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар таълим тизими олдига янги муаммоларни қўймоқдаки, буларга нимани ўқитиш ва қандай ўқитиш муаммоси дозарб қилиб қўйилмоқда [1].

Ўқитиш асрлар давомида маълум билимлар мажмуини эгаллашдан иборат бўлиб келган бўлса, ҳозирги пайтда билимларнинг бир авлод ҳаёти давомида эскириб қолаётганлигини кузатиш мумкин. Бунда, билимлар ҳажми, ҳатто айрим ихтисосликлар доирасида ҳам шунчалик улканки, мавжуд ўқитиш методикалари асосида уни ўзлаштириш амалда мумкин бўлмай қолди. Буларнинг ҳаммаси таълим олдига янги ахборотни мустақил қабул қилиш, баҳолаш ва тегишли қарорларни қабул қилишга қодир бўлган ижодкор шахсни тарбиялаш вазифасини қўймоқда [2].

Инновацион педагог технология тўғрисидаги билимларга эга бўлиши, янгилик яратиш ва уларни татбиқ этиш, илғор тажрибаларни тарғибот қилиш, оммалаштириш, инновацион фаолиятларнинг натижаларини баҳолаш бўйича зарурий билим ва малакаларга эга бўлиши зарур. Шундагина, келажак учун етук, билимли, фидойи, маҳоратли математика ўқитувчиларини тайёрлаш мумкин. Шундай экан, Педагогик технология – бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини система сифатида қараб, ушбу мақсаднинг натижаларини кафолатловчи таълим жараёнига технологик ёндашадиган таълимий тадбирдир [4].

Республика олий таълим жараёнида А.Алимов, Б.Зиёмухаммедов, И.Зулфуқаров, Г.Изетаева, М.Қўчқаров, М.Тожиёв, М.Ўралова, Э.Шарипов кабилар томонидан тайёрланган ўқув фанлари лойиҳалари муваффақиятли тажрибадан ўтказилмоқда, чуқури, педагогик таъриба натижалари орқали яхлит таълим тизимини қайта қуриш талабларига жавоб берадиган сифат ўзгаришлари рўй беради. Педагогикнинг ҳозирги ва эртанги қуни талабларига жавоб берадиган янги сифатга ўтишини тезлаштириш учун инновацион таълимни, ундан келиб чиқадиган билишнинг илмий воситаларини ишлаб чиқиш, илғор педагогик тажрибани таҳлил этиш ва ёйишни жадаллаштиришни таъқоз қилади.

Ўқув машғулотларни лойиҳалашнинг аҳамиятли томони шундаки, бунда педагог ва талабалар лойиҳалаш бўйича билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

Педагогик технология таълимий лойиҳалари асосида ўқув машғулотларини лойиҳаларини тузиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунда ҳар бир ўқитувчи анъанавий ўқитиш методикаси ва технологик ёндашувларга асосланиб таълимни жараёнини лойиҳалаш ёрдамида илмий методик савиясини ошириши зарурлиги кузатилди.

Янги очилган таълим йўналишлари дастур ва абиётларини яратишда ўқув жараёнини лойиҳалаш жараёнига таъминловчи хизмат қилувчи қонун ва қоидалар бўлиб, Ўзбекистонда қабул қилинган “Таълим тўғрисидаги” Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастур”да Давлат таълим стандарти талабларини ҳар бир ўқув фанига алоҳида-алоҳида белгилаб берилганлиги туфайли, ўқув машғулотини лойиҳалаш жараёнида бу методологик асосга дастуриламал сифатида таянилади [3].

Шунингдек, янги очилган таълим йўналишлари фан дастури ва абиётларини яратишда диалектика қонунлари билан системали ёндашув таъминлининг қоидалари асос қилиб олинади. Педагогик фаолиятни, шу жумладан ўқув жараёнини лойиҳалаш ишини, амалга оширишда умумий методологик асослардан бири, яъни фалсафий асоснинг бир қисми, диалектика қонунлари билан системали ёндашув таъминлининг қоидалари ҳисобланади.

Диалектиканинг “Қарама-қарши томонлар бирлиги ва қураши”, “Микдорни сифатга ва сифатни микдорга ўтиш қонуни” ҳамда “Инкорни инкор қонуни” асосий қонунлари қонуннинг барча нарса ва ҳодисаларида, шу жумладан ўқув жараёнида ҳам ўзини намоён қилади.

Диалектиканинг уч асосий қонунини ўқув машғулотларини лойиҳалаш жараёнида ишлашини кўриб чиқадиган бўлсак, аввало бор, лойиҳаланаётган таълим-тарбия жараёнини кўз олдимишга келтиришимиз керак бўлади. Таълим-тарбия жараёни бир бутунлиқ бўлгани ҳолда, икки қарама-қарши “Таълим берувчи” ва “Таълим олувчи” деган томонлардан, бошқача айтганда қарама-қарши

кучлардан ташкил топганлигини кўрамиз. Ҳақиқатдан ҳам, таълим бериш, бу таълим олиш эмас, таълим олиш эса, таълим беришнинг зиддияти ҳисобланади. Булар қутбий қарама қарши кучлардир. Диалектика қонунига биноан улар бир вақтнинг ўзида бир-бирига интилади ва бир-биридан қочади. Уларнинг орасида ўзаро тортилиш билан бир вақтда, бири биридан қочиш ҳам мавжуд. Ўқув машғулотини лойиҳасини тузганда, диалектиканинг бу қонунини ҳисобга олмасак, лойиҳа қоғозидек бўлмайди ва ўқув жараёнини амалга оширишда қийинчиликларни туғдиради.

Диалектиканинг иккинчи қонуни, “Микдорни сифатга ўтиш” қонуни бўлиб, у ҳам ўқув машғулотини лойиҳалаш жараёнида кўзда тутилиши шарт. Қарама-қарши томонлардан бири бўлган “Таълим берувчи” қарши томон “Таълим олувчи”, берилаётган билим моҳиятини очиб, қизиқтириб, тушунтириши пайтида, “Таълим олувчи”, уни қабул қилгиси келмай, педагогга ботинан қарши туради. Ўқув жараёнини нормал ҳолатга келтириш ва қарши турган кучнинг майиллигини ўзининг фойдасига ҳал бўлиши учун микдор йиғилиб сифатга ўтиши шарт. Унинг учун берилаётган билимларни тарбияланувчига бир неча бор такрорлаш лозим бўлади. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бериладиган билим таълим олувчининг мия қобиғида ўз аксини топиши учун уни камида 4 – 5 маротаба, мураккаб мавзуларни ўтганда 8 – 9 маротаба такрорлаш лозим экан. Шундагина микдор сифатга ўтиб, талабалардаги “Билмаслик” ҳолати “Билди” ҳолати билан алмашинади, микдор сифатга ўтади.

Микдор сифатга ўтиш жараёнида диалектиканинг учинчи қонуни ҳам ишлай бошлайди, яъни, “Инкорни инкор қонуни” ишга тушади, талабалар ўзларидаги “Билими йўқ” ҳолатини инкор қилиб, “Билимли” деган сифатга эга бўладилар.

Ҳар қандай фаолиятнинг фалсафий асосларидан яна бири дунёни илмий тушунишдир. Дунёни илмий нуқтаи назардан тушуниш деганда, табиат ҳамда жамиятдаги бизга маълум бўлган қонуниятларни синтезлаш асосида дунёни англаш тушунилади.

Дунёни илмий тушуниш заминиди оламни фалсафий концепцияси билан табиий ва ижтимоий фанлардаги кашф қилинган қонуниятлар ётади. Фалсафанинг шу кундаги асосий концепциясини, синергетик дунёқарашдан келиб чикувчи бутун борлиққа система (мажму) сифатида ёндашув таъминли ташкил қилади.

Ҳозирги замонда дунёни илмий тушуниши, ташкилий жиҳатдан умумий белгиларга эга турли объектларнинг ҳар турли мажму гуруҳларига бирлаштиришни кўзда тутлади.

У бутун олам тадрижий ривож маҳсули эканини исботлади. Бу фикр XX аср ўрталарига келибгина тўлағича англаб етилди. У Ньютон физикасини асосий ғоясига зид бўлиб, механик физикага асосланган дунёқарашни тубдан ўзгартиришга замин тайёрлади.

Физик космологиянинг шу кундаги тараккиёт босқичи, таркиби жиҳатидан хилма-хил, йирик масштабли ва мураккаб қонуннинг пайдо бўлиш сценариясини кўз олдимишга келтириб, шу кунга қадар бўлган тараккиёт босқичларини тушунтириб беришга йўналтирилган. У галластиканинг пайдо бўлиш ва ривожланиш механизмларини очиб берибгина қолмай, юлдузлар, планеталар ва ҳаётнинг пайдо бўлиш сирларини ҳам илмий асосда кўрсатиб бериш имконига эга бўлди.

Эволюцион ғоя ҳозирги замон астрофизика ва космологиянинг қон-қонига сингиб кетди. Ривожланиш таъминли шу замоннинг илғор табиатшунослигининг асосини ташкил қилиб, одамлар дунёқарашини шакллантиришда етакчи ўрин тутлади.

Айнан, астрофизика ва космология қонинот эволюция натижасида бунёд бўлганини исботлаб берди. Греклит, кейинчалик Кант ва бошқалар илгари сурган, қонинотни ўзгартиб туруви бир бутунлиқ (мажму) сифатида тасаввур қилиш ҳозирги замон дунё илмий манзарасининг асосини ташкил қилади.

Умуман, системали ёндашувнинг қадимги илм-фан ва фалсафада мавжуд эканини ҳам кўrsa бўлади. Бутун борлиқ қандайдир, ўзаро боғлиқ бўлган қисмлардан ташкил топганлигини Платон, Фаробий, Ибн Сино ва бошқа алломалар фикрларида учратиш мумкин. Мавлоно Жалолиддин Румий ҳам оламнинг заррадан қонинот қадар вобасталиги, бир-бири билан тортилиб туришини айтган.

Бирок, XIX – XX аср олимлари нарса ва ҳодисаларга аънавий тасниф беришдан нарига ўтолмадилар. Фақат XX асрнинг 50-йилларига келиб, ўрганилаётган объектга ўзаро функционал боғлиқ бўлган қисмлардан ташкил топган бир бутунлик сифатида қарайдиган бўлишди.

Объектив борлиққа чексиз кўп, содда ва мураккаб, катта ва кичик, жонли ва жонсиз, тикланувчи ва тикланмайдиган ва ҳақозо хусусиятларга эга бўлган мажмулар сифатида идрок қилиш шу фан тараққиётининг маҳсулидир. Нарса ва ҳодисаларга мажму сифатида ёндашиш ривожлана бориб, қисқа вақт ичида ўзининг хусусий қонуниятларига, атама ва тушунчаларига эга бўла бошлади. Мажмулар назарияси жуда ҳам тараққий этган назария бўлиб, ўз қонуниятларига, қоида ва категорияларига асосланган ҳақозо мажму фикр юритиш услубига эга. Мажму деганда, ўзаро функционал алоқадорликда бўлиб, бир бутунлиқни ташкил қилувчи қисмлар бирикмаси тушунилади.

Ҳар қандай мажму икки ва ундан ортиқ қисмлардан ташкил топган бўлиб, айни вақтда, ўзи ҳам ўзидан бир поғона юқори бўлган мажмуга қисм бўлиб қиради. Унинг қисмлари ҳам бир поғона пастдаги мажмулар ҳисобланиб, улар ҳам, ўз навбатида, бир неча қисмлардан иборат бўлади. Бу ҳодиса чексиз ва чекли давом этиши мумкин. Табиий мажмулар чексиз поғоналардан иборат бўлиб, техника мажмуларнинг поғонадорлиги чекли бўлади.

Муайян нарса ёки ҳодисани ҳақиқий мажму эканини аниқлаш учун, мажмуни ташкил қилувчи бирон қисмини хусусиятини ўзгартириб кўриш керак. Мажмулар назарияси (теория систем) бўйича, мажмуни ташкил қилувчи қисмлардан бирининг хусусияти ўзгарса, бошқа қисмларининг ҳамда бутун мажмунинг хусусияти ҳам қонуний равишда ўзгаришга учраса, уни функционал алоқадорлик дейилади. Мажмулар замон ва маконда мавжуд бўлиб, вақт ўтиши ва макон ўзгариши билан мажмунинг баъзи бир хусусиятлари ҳам ўзгаради. Мажмунинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бир-биридан шу хусусиятлар йиғиндиси билан ажралиб туради. Мажмунинг хусусияти фақат бошқа мажмулар билан алоқаларда намоён бўлади. Алоқадорлик деб, мажму хусусиятини пайдо қилувчи узвийликка айтилади. Боғлиқлик эса, фақат уларнинг намоён бўлишидир. Ҳар қандай боғлиқлик замирида алоқадорлик ётавермайди. Янги хусусиятни яратувчи алоқадорлик функция дейилади. Функциялар орқали мажмулар ҳолати аниқланади, Мажму ҳолатини кетма-кет намоён бўлиши жараён дейилади.

Мажмулар ўз асослари, яъни функционал алоқадорликлар проекциясининг шаклига қараб, бир қатор гуруҳларга ажралади. Уларга: тартибли ва тартибсиз; тезликка эга ва суст; икки қарама-қарши ва кўптомонлама; нуқтавий ва тизимли; тикланувчан ва тикланмайдиган; оддий ва мураккаб; марказлашган ва марказлашмаган; бир ва кўп поғонали ва ҳақозо.

Мажмулар назарияси бўйича яна мажмулар ҳолатига ва бошқа хусусиятларига қараб бир неча гуруҳларга ажралади.

Ҳар бир ишда мажмулар назариясидан келиб чиқиб ишни бажариш “Мажму ёндашув тамойили”га амал қилиш дейилади.

Мажмулар назариясидан келиб чиқиб бажарилган иш бир неча ўн баробар осонлашади. Баъзи мураккаб ишларни, мажму ёндашув тамойилини қўлламай бажариб бўлмайди.

Таълим-тарбия фаолияти ўта мураккаб бўлганлиги туфайли, мажму ёндашув тамойилидан фойдаланмай, уни талаб даражасида бажариб бўлмайди [5].

Ўқув машғулоти лойиҳалаш жараёнида мажму ёндашув тамойилининг қуйидаги қоидаларига риоя қилишлик зарур.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори маълуми мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 16 сентябрдаги “Янгиланган классификаторга мувофиқ ишлаб чиқилган олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг Давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 387-сонли буйруғи билан тасдиқланган 5460100 – “Математика” таълим йўналиши Давлат таълим стандарти (ДТС).
4. Зиёмуҳаммадов Б., Тожиев М. Педагогик технология – замонвий ўзбек миллий модели. Т.: “Lider Press”, 2009.
5. Тожиев М. Математика ўқитиш жараёнини лойиҳалаш // Ўқув ва илмий-услубий қўлланма / М.Тожиев, К.Мамадалиев; Масъул муҳаррир: иқтисод фанлари доктори, профессор Б.Ҳ.Рахимов; фалсафа фанлари доктори, профессор Б.Зиёмуҳаммадовнинг умумий тахрири остида; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази. –Т.: FAN VA TECHNOLOGIYA MARKAZINING BOSMAXONASI. 2013. 160-б.
6. Тожиев М. Олий таълимнинг бакалавр босқичидаги “(Математика) ўқув жараёнини лойиҳалаш” туркумдаги фанлар фан дастури ва адабиётларини яратишнинг методологик асоси ва методикаси //Ўқув-услубий қўлланма / М.Тожиев, Б.Зиёмуҳаммадов, К.Мамадалиев, Г.Опаева; Масъул муҳаррир: Иқтисод фанлари доктори, профессор Б.Ҳ.Рахимов; техника фанлари доктори, профессор М.У.Мажидовнинг

Мажму ёндашув тамойилининг асосий қоидаларидан бири, ўрганилаётган нарса ёки ҳодисани, ўзаро функционал боғлиқликда бўлган қисмлардан ташкил топган бир бутунлик сифатида ангаши.

Мажму ёндашув тамойилининг навбатдаги қоидаси иерахияга асосланган поғонадорлик. Бу дегани, ҳар қандай мажму, уни ташкил қилувчи ва ўзаро функционал алоқадорликда бўлган қисмлари, бир поғона пастда турган мажмулардан ташкил топган бўла туриб, ўз навбатида, ўзлари бир поғона юқори турган мажмуга қисм бўлиб хизмат қилади. Юқорида айтганимиздек, бу жараён чекли ёки чексиз бўлиши мумкин. Ўқув жараёнини лойиҳалашда поғоналарни чалкаштирмаслик лозим ва гап қайси поғонадаги мажму устида бораётганини англаб туриб лойиҳани амалга ошириш керак.

Мажму ёндашув тамойилининг кейинги қоидаси, мажмуни ташкил қилувчи қисмларнинг ҳар бири ўз поғонасидаги мажму қисмлари билан баробар бошқа мажмулар билан ҳам алоқада бўла олади.

Мажму ёндашув тамойилида бундай қоидалар анчагина бўлиб, биз фақат ўқув жараёнини лойиҳалашда амал қилиниши шарт бўлган асосий қоидаларни санаб ўтдик ҳолос.

Демак, мажму ёндашув тамойилидан келиб чиқадиган бўлсак, ўқув машғулоти яхлит бир бутунлик сифатида идрок қилиш лозим. Ўқув машғулоти таълим ва тарбиянинг асосий шакли, у муайян миқдордаги доимий талабалар таркиби билан қатъий тартибда уюштирилган ва аниқ мақсадга йўналтирилган дидактик тадбир ҳисобланади.

Ўқув жараёнини функционал боғлиқликда бўлган қисмлардан ташкил топганлик ҳолатини кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, ўқув жараёнини амалга ошириш учун, аввалом бор, талабалар бўлиши шарт. Бу ўқув машғулоти бундан таркибий қисми. Иккинчидан, ўқув машғулоти олиб бориш учун ўқитувчи ёки педагог бўлиши лозим. Бу ўқув машғулоти иккинчи ажралмас қисми. Шу билан бир қаторда, ўқув машғулоти амалга ошириш учун аудитория ва ундаги жихозлар ҳамда турли ахборот-коммуникация технологиялар бўлиши талаб этилади. Бу ўқув машғулоти учинчи техника воситалар деган қисми. Педагог томонидан ўқув машғулоти олиб бориши учун намунавий ва ишчи дастур, таквими режа, дарс лойиҳаси, ўқув методик қўлланмалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар керак бўлади. Бу ўқув машғулоти тўртинчи қисми. Шулар билан бир қаторда ўқув машғулоти албатта маълум бир методика асосида олиб борилади. Бизнинг мисолда, бу педагогик технология. Бу ўқув машғулоти бешинчи таркибий қисми. Шу бешта қисмлар, ўзаро функционал алоқадорликка киришгандагина ўқув машғулоти амалга ошириш исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқат. Ўқув машғулоти жараёнини лойиҳалашда бундан эътиборга олиш шарт [6].

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, ушбу мақолада педагогик технология ва унинг тамойиллари асосида ўқув машғулотларни лойиҳалашнинг умумий методологияси, ўқув машғулотларини лойиҳалаб ўқитишнинг назарий асослари, ўқув машғулоти лойиҳалаш жараёнига тамойил бўлиб хизмат қилувчи қонун ва қоидалар ва диалектика қонунлари билан системали ёндашув тамойилининг қоидалари кўрсатиб берилди.

Педагогик технология тамойиллари асосида ўқув машғулотларини лойиҳаларини тузиш, бунда ҳар бир ўқитувчи аънавий ўқитиш методикаси ва технологик ёндашувларга асосланиб таълим жараёнини лойиҳалаш бўйича методик савиясини ошириши зарурлиги илмий томондан асосланди.

умумий таҳрири остида: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази. –Т.: “TAFAKKUR-BO‘STONI”. 2013. 80- б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ҳозирги замон таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар, янги авлод фан дастурлари ва ўқув адабиётлари, уларни яратиш механизми ҳақида сўз юритилган. Шу билан бирга таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, рақабатбардош кадрларни тайёрлаш масаласи инновацион педагогик технология ва унинг тамойиллари асосида ишлаб чиқилган таълим жараёнининг лойиҳалари ҳамда уни амалиётда қўллашда фойдаланиладиган замонавий ва интерактив усуллар ҳақида маълумотлар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье раскрываются механизмы создания программ и учебной литературы нового поколения в современной системе образования. В данной работе приводятся сведения о принципах применения современных и интерактивных методов в проектировании образовательного процесса и значение инновационных педагогических технологий в повышении качества и эффективности при подготовки кадров.

SUMMARY

The article is devoted to the study of mechanisms for creating programs and textbooks of new generation in the modern education system. In this paper presents information on the principles and application of modern interactive methods in the design of the educational process and the importance of innovative educational technologies to improve the quality and efficiency of training.

ЎҚУВЧИЛАР ОНГИДА НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОСНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ЗАРУРАТИ (КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ МИСОЛИДА)

Ж.А.Маматқосимов – мустақил изланувчи

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Таянч сўзлар: Номоддий маданий мерос, муҳофаза, касб-хунар таълими, ўқувчи, мавзунинг долзарблиги, тадқиқот мақсади ва вазифаси.

Ключевые слова: нематериальное культурное наследие, охрана, профессиональное образование, ученик, актуальность темы, цель и задачи исследования.

Key words: intangible cultural heritage, protection, vocational training, a student, the relevance of the theme, purpose and objectives of the study.

Ўқувчиларнинг маънавий киёфасини шакллантириш, уларга таълим беришга йўналтирилган ижтимоий тараққиёт билан узвий алоқадорликда ривожланиб бораётган фан-техника ютуқларидан самарали фойдалана олиш ҳамда ижтимоий ҳаётда шиддатли тезликда ахборотлар оқими қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалаш ҳамда ёшларга етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бу муаммоларни ҳал этишда халқ оғзаки ижодиёти асарлари, байрам ва томошалар, миллий урф-одат ва ўйинлардан, умумий маънода номоддий маданий мерос (НММ)дан кенг фойдаланиш ўринлидир.

Президент И.А.Каримов урф-одатларнинг қадимийлиги ва навқиронлиги, унинг шахс ахлоқий ва эстетик тарбиясида муҳим вазифа, долзарб масала ва восита эканлигини қуйидагича таъкидлаган: “Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойлиқлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади” [1:29-30].

НММ ижтимоий-тарихий ҳодиса бўлиб, инсон онги ва тафаккури ёки тасаввурини билан яратилган, бирор бир миллат, уруғ, элат ёки қатламнинг ўзига хос ёхуд бир қанча миллат ёки элатда бир-бирига ўхшаш жараён, одат, маросим, анъана, байрам ва халқ ижодиёти намуналари мажмуидир.

“Номоддий маданий мерос” тушунчаси урф-одатларни, ўзига хосликни ифодалаш шакллари, билимлар ва қўникмаларни, шунингдек, улар билан боғлиқ жиҳозлар, предметлар, артефактлар ва маданий маконларни акс эттиради, улар эса ўз навбатида ҳамжамиятлар, гуруҳлар томонидан, алоҳида ҳолатларда эса муайян шахс маданий меросининг бир қисми сифатида тан олинганлигини англатади. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган бундай номоддий маданий мерос доимо муайян ҳамжамиятлар ва гуруҳлар томонидан уларнинг атроф-муҳитга, табиатга ва ўз тарихига боғлиқ ҳолда яратилади ва бу уларда ўзига хосликни, ворислик туйғусини шакллантиради ҳамда шу билан инсоният ижодини ва маданий турли-туманлиқнинг ҳурмат қилинишига қўмаклашади [2].

НММ намуналарини ижтимоий ҳаётда қўллаш ва татбиқ этиш барқарор ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга имконият яратиб ўз ўрнида барқарор тараққиёт НММга хос маҳаллий элементларнинг яшовчанлигини таъминлайди.

“Муҳофаза” сўзи номоддий маданий мерос ҳаётийлигини таъминлаш, шу билан бирга, уни идентификациялаш, ҳужжатлаштириш, тадқиқ қилиш, сақлаш, ҳимоя қилиш, омалаштириш, ролини ошириш, тарғиб қилиш чораларини, асосан расмий ва норасмий таълим ёрдамида амалга ошириш ҳамда бундай мероснинг турли жиҳатларини қайта барпо этиш деган маънони англатади [2].

ЮНЕСКО Бош конвенциясининг 2003 йил 17 октябрдаги 32 сессиясида қабул қилинган “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш” Конвенцияси, БМТнинг 2004 йилда эълон қилган “Барқарор тараққиёт” дастури, 2009 йил 9 октябрда қабул қилинган “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш” тўғрисидаги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар қиритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 228-УРҚ Қонуни, 2010 йил 7 октябрда қабул қилинган “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш,

тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури” ушбу жараёни ташкил этиш учун ижтимоий-ҳуқуқий асосни таъминламоқда.

“Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш” Конвенциясининг 14-моддасида қуйидаги бандлар мавжуд: Ҳар бир иштирокчи-давлат ўз ихтиёрида бўлган воситаларни қуйидагиларга йўналтиради:

а) номоддий маданий мероснинг жамиятда кенг тан олинishi, ҳурмат қилиниши ва эътироф этилиши жараёнига, хусусан, қуйидаги воситалар орқали қўмаклашиш:

i) таълим дастурлари орқали жамоатчиликнинг, хусусан, ёшларнинг номоддий маданий мерос тўғрисидаги билимларини ошириш;

ii) таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида тегишли ҳамжамиятларга ва гуруҳларга мўлжалланган аниқ дастурлар ишлаб чиқиш;

iii) номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш соҳасида, хусусан, бошқарув ва илмий тадқиқот масалалари билан боғлиқ имкониятларни ошириш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

iv) билимларни тарқатишнинг норасмий усулларида фойдаланиш;

б) номоддий маданий меросга хавф солаётган таҳдидлар, шунингдек, мазкур Конвенциянинг бажарилиши юзасидан олиб борилаётган тадбирлар ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб туриш;

с) номоддий маданий меросни намоён этиш учун керак бўлган табиий маконлар ва тарихий жойларнинг ҳудудларини муҳофаза қилиш соҳасидаги таълимга қўмаклашиш [2].

Шунингдек, “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурининг қуйидаги бандлари ўқувчиларда номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришнинг ижтимоий-педагогик заруратининг асосидир:

– Номоддий маданий меросни ўрганиш масалаларини олий таълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг тегишли фанлар ўқув дастурларига қиритиш, қўлланмалар тайёрлаш ва чоп этиш;

– Номоддий маданий меросни сақловчи ва етказувчиларни ўқув дастурларини такомиллаштириш ишларига ва бевосита ўқув жараёнига жалб этиш, уларга шарт-шароитлар яратиш;

– Номоддий маданий меросни ўрганишга қизиқувчи талаба ва ўқувчилар учун ёзғи ўқув курслари, очик эшиқлар куни каби тадбирларни ташкил этиш;

– Ёшларни номоддий маданий мерос бўйича материаллар тўплаш ва тарғибот ишларига жалб этиш;

– Номоддий маданий мерос тарғиботи билан боғлиқ фото ва видео танловлар ташкил этиш;

– Нодавлат ташкилотлар ва муассасаларга мўлжалланган, номоддий маданий меросдан тадбиркорликда фойдаланишга оид дастурлар ишлаб чиқиш;

– Олий таълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларида «Хазина», «Мерос», «Барҳаёт анъаналар» кўрик-танловларини ўтказиш;

– Мусиқа, маданият ва санъат таълими йўналишларида ўқитган талабаларнинг номоддий маданий мерос борасидаги тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва ушбу йўналишдаги энг яхши тадқиқотлар танловларини эълон